

## ХИТОЙЧА ЎЗЛАШМАЛАРДА КОГНИТИВ МЕТАФОРА



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-112-117>

**Комилова Моҳитабон Рамиш қизи**

ФарДУ таянч докторанти

[komilovam2991@gmail.com](mailto:komilovam2991@gmail.com)

**Аннотация:** Ҳар бир тил ўз заҳирасини ички ресурслари билан бир қаторда бошиқа тиллардан сўз ўзлаштириши орқали бойитиб боради. Ҳозирги ўзбек тили лексикасининг кичик бир қатламини хитойчадан ўзлашган сўзлар ташкил қилади. Мақола хитойча ўзлашмаларнинг маъно кўчишига оид жиҳатларни таҳлилга тортади. Инсоннинг билиши, англаш ва қайта тасаввур қилиши билан боғлиқ ақлий фаолияти натижаси ўлароқ юзага келувчи когнитив метафоралар мақоланинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** ўзлашма сўзлар, когнитив тилшунослик, ўзлашма сўзларнинг когнитив таҳлили, метафора, кўчим, когнитив-концептуал метафора лексикология, семантика.

**Annotation:** Each language enriches its stock by acquiring words from other languages along with its internal resources. A small layer of the current Uzbek language lexicon consists of words borrowed from Chinese. The article analyzes aspects related to the transfer of meaning of Chinese acquisitions. Cognitive metaphors that arise as a result of human mental activity related to cognition, understanding and reimagining are the object of study of the article.

**Key words:** loanwords, cognitive linguistics, cognitive analysis of loanwords, metaphor, transference, cognitive-conceptual metaphor, lexicology, semantics.

### КИРИШ

Маъно кўчиши тил эгаларига фикр ифода этишнинг чексиз имкониятларини яратиб берувчи ҳодисадир. Филологик билимлар соҳасида бу ҳодиса лингвистик ҳамда адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Метафора, метонимия, синекдоҳа, киноя, перифраза, аллегория, символика каби маъно кўчишга оид терминлар тилшунослик тадқиқотларида кўзга ташланса, адабиётшуносликда эса литота, муболаға, ташхис, истиёра кабиларни учратиш мумкин. Шунингдек, индивидуал кўчимлар ҳам мавжудки, улар махсус асар доирасида муаллифнинг ўз яратиклари ҳисобланади. Мазкур ҳолат акказионал маъно термини билан ўрганилди.

Тилшуносликнинг янги – антропоцентрик назарияларга кўра маъно кўчириш билиш, англаш ва қайта тасаввур қилиш билан боғлиқ ақлий фаолият натижаси ўлароқ юзага келади. Бу соҳада маъно кўчиш ҳодисалари турларга

ажратилмайди. Умумий ҳолатда ҳар қайси кўриниш метафора термини остига бирлаштирилади. Когнитив лингвистикада кўп қизиқиш билдирилаётган соҳа бу – когнитив ёки концептуал метафора масаласидир.

Мазкур мақолада тилимиздаги хитойча ўзлашмалар когнитив тилшунослик методлари асосида тадқиқ этилади.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Метафора ҳодисасининг когнитив жиҳатдан ўрганилиши Чарлз Филлмор ва Жорж Лакоффнинг “Биз қўллаётган метафоралар” (“Metaphors we live by”) [Lakoff, Fillmore, 1980] асарида кўзга ташланади. Шунингдек, Грейди [Grady and oth..., 1996], Мусолф [Musolff, 2006], [Musolf, 2004.], Будаев ҳамда Чудинов [Будаев, Чудинов, 2008], Қулиев Х. [Quliyev, 2019] кабиларнинг тадқиқотлари когнитив метафорага бағишланган ишлар ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида когнитив метафорага оидлари Г. Насруллаева [Насруллаева, 2019], С. Назаров [Назаров, 2019], Ш.Улуғова [Улуғова, 2022]лар тадқиқотларидир.

Мақолада қиёсий, анализ-синтез, герменевтик методлардан фойдаланилди.

### МУҲОКАМАЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Когнитив метафора назариясида маънонинг денотатив ва конотатив жиҳатларига ёндашув қуйидагича ифодаланилади: “Метафорик ҳосила маънонинг пайдо бўлишида икки когнитив майдон, яъни “манба майдон” (Quelldomane) ҳамда мақсад майдони (Zieldomane) иштирок этишини кўрсатадилар. Манба майдони инсоннинг тажрибаси орқали борлиқни идрок этишидаги аниқ билимлар йиғиндасидир. Мақсад майдони эса нисбатан кам ойдинлашган, аниқлашган муқаррар билимдир [Назаров, 2019: 59]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, манба майдон сўзнинг ўз маъносини қамраб олади. Бу маъно тил эгасининг борлиқни кузатиши, уни тафаккурда сўнгра лисонда қайта воқелантиришини назарда тутди. У ўхшатиш, қиёслаш каби жараёнлар асосида мақсад майдонни ҳосил қилади.

Хитой тилидан ўзлашган *чой* сўзи иштирокида жуда кўплаб метафорик ифодалар ўзбек тилида мавжуд. *Бир пиёла чой устида гаплашмоқ* – суҳбатлашмоқ, ҳасратлашмоқ, маслаҳат-кенгаш қилмоқ маъноларида келади:

*Кўзлари кўзмунчоқ ёрэй, келгил бир суҳбатинг олай,*

*Дийдорингаям туйволай бир пиёла чой устида, чой бир баҳона аслида.*

Ёки:

*Чой устида она Толибжоннинг қаршисига ўтириб, ҳасратли бир товуида деди: -Болам, билиб турибман, ичингда ўт ёняпти. Нима бўлди, айт!* (Саид Аҳмад, Жимжитлик).

Аслида *гаплашмоқ* феълининг *суҳбатлашмоқ* маъноси мавжуд. *Бир пиёла чой устида* бирикмаси бу маънога қўшимча экспрессивлик юклаб, *ҳасратлашмоқ, дардлашмоқ, ёки маслаҳатлашмоқ, бафуржа суҳбатлашмоқ* каби ифодларни юзага келтиряпти. Бундан келиб чиқадики бир *пиёла чой*

*устид* бирикмаси бемалол, бафуржа, хотиржам маъноларига кўчяпти. Манба майдон бир пиёла чой, мақсад майдон эса бемалол, бафуржа, хотиржам. Бу икки майдон оралиғида cross – domain mapping тушунчаси ҳам мавжуд. “Бу тушунчани майдонлараро кўчим мазмунида англаш маъқулдир, зеро метафора ҳосил бўлишида бир соҳага оид биим иккинчисига татбиқ этилади ва натижада умумий майдон юзага келади [Улуғова, 2022: 12].

Тадқиқотларга кўра концептуал метафора жисмоний, атроф-муҳит ва маданий тажриба ҳақидаги билимга таянади. Тушунтирилишича, метафора ҳосил бўлишининг охириги нуқтасидаги мақсад майдон мавҳум, сезиш қийин бўлган ноаниқ ва субъектив тушунча бўлиб, уни биз сезги органлари ҳаракати ёки олам билан муносабат доирасида ўзлаштира олмаймиз. Мўлжалдаги билимни бир манба майдонидаги билимга асосланган ҳолда концептуаллаштирамиз [Улуғова, 2022: 12-13].

Бир пиёла чой устида гаплашмоқ қай тарзда бемалол, бафуржа, хотиржам гаплашиш маъносини ифодалайди деган саволни қўяди когнитив тилшунослик. Бу саволга жавобни когнитологиядаги сценарий, фрейм каби бирор концептнинг лисоний воқеланиши жараёнидаги оралиқ босқичлар тушунтириб бера олади. Яъни, икки инсоннинг суҳбати кўз олдида келтирилганда, уларнинг орасида бир пиёла иссиқ чой тасаввур қилинади. Пиёладаги чой совитилиб, хўплаб ичилиши жараёнидаги суҳбат бироз узоқ давом этишини ҳамда суҳбатдошларнинг бамайлихотир ва шошмаётганлигини ифода этади. *Ҳасратлашмоқ, дардлашмоқ* сўзлари семантик сатҳида ҳам бемалол, бафуржа гаплашиши семалари мавжуд.

*Чойга чақирмоқ (айтмоқ) - меҳмонга чақирмоқ, нонуштага чақирмоқ* маъноларида ишлатилади. Масалан: *Ҳали эрта наҳорда бригадир Бердиёр ака ҳам келиб, кеча келолмаганига узр сўраб бугун бир пиёла чойга айтиб кетган.*

Ёки:

*Эрталаб дурустроқ чой ичмаган одам даврада ўтирган бўлса, беҳол бўлиб қолиши турган гап...*(Муҳаммад Очил. Кулинг-у кулгига қолманг).

Келтирилган биринчи мисолда *чақирмоқ* ва *айтмоқ* феъли чой сўзи билан бирикиб таклиф маъносини ифодаламоқда. Энди когнитив тасаввурда чой концепти ва унинг меҳмоннавозлик билан боғлиқ семаларини кўриб чиқамиз. Чой халқ турмуш тарзида меҳмонлар билан боғлиқ тасаввур уйғотиши бежиз эмас. Умуман олганда муайян ичимликлар турли халқлар аро метафорик универсалиялик хусусиятига эга. Шулар жумласида чой қатор шарқ халқлари билан бирга айрим европа мамлакатлари турмуш тарзига ҳам оид. Келган меҳмондан дастлаб ичишга бериш учун чой, қаҳва, сув, шарбат, махсус кечаларда вино, виски, брендилар таклиф қилинади. Ўзбек халқи учун чой меҳмоннавозликнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам манба майдони – чой (ичимлик) мақсад майдонига кўчиб ўтганда меҳмоннавозлик билан боғлиқ маъноларни англамоқда.

Иккинчи мисолда эса айни концепт нонушта билан боғлиқ. Бунда ҳам халқ турмуш тарзи асосий омил ҳисобланади. Чой айниқса, эрталабки чой ўзбек халқи учун аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мақсад манбага ўтганда чой нонушта семаси учун метафора бўла олмақда. Мисолдаги *эрталаб дурустроқ чой ичмаган одамнинг беҳол бўлиши* у одамнинг нонушта қилмаганлигини англатади.

*чой қилиб бермоқ (чой-пой қилиб бермоқ)* – оғзаки сўзлашувда кўпроқ кўзга ташланади. Бирор нарса таъмасида мансабдор ёки шунга ўхшаш шахсни меҳмон қилиш. Бу метафора ҳам чой концептининг меҳмоннавозлик семасидан урчиган бўлса-да, кўпроқ пора бериш, таъмагирлик қилиш маъноларини англатади.

*келин қўлидан чой ичмоқ* – бу метафорик иборада ҳам меҳмоннавозлик маъноси мавжуд. Бундан ташқари ҳурмат маъносида ҳам талқин қилиш мумкин. Бу сценарий бўйича янги келиннинг меҳмонларга ва оила аъзоларига ҳурмат билан (ўрнидан туриб, икки қўли билан ёки бир қўли кўксидан) чой бериши тасаввурда гавдаланади.

Умуман олганда чой концепти сермахсул метафорик ифодаларга бой ўзбек тилида. Биргина *аччиққина кўк чой* бир нечта ассоциатив тушунчаларга эга. *У бош оғриги, ҳордиқ чиқариш, қон босимни тушириш, овқат ҳазм қилиш, чанқоқ қондириш* каби тушунчаларнинг рамзий ифодаси сифатида кўп қўлланади:

*Кечқурун ошни ошаб, кўк чойни қониқиб ичиб, поезд кетиш вақти маълум бўлсада, сал барвақтроқ шоҳбекатга чиқди* (Муҳаммад Очил. Кулинг-у кулгига қолманг).

Хитойча ўзлашмалар орасида *ланка* сўзи ҳам мавжуд бўлиб, орқасига оғир метал парчаси, танга, чақа ёпиштирилган, узун-узун жунли тери парчасидан иборат тепаб ўйналадиган болалар ўйини [ЎТИЛ, 487].

Асосан қишлоқларда эрта баҳорда ўғил болалар ўйнайди. “Ўзбек миллий ўйинлари” китобида ўйин “жуфтпар” деб номланган ва унга шундай таъриф берилган: бу ўйин қадимдан чўпон-чўликлар, подачилар томонидан ўйналган. Ўйин учун қўй териси кесиб олиниб, унга қўрғошин маҳкамланади. Жуфтпарни болалар турли ҳаракатлар билан ўнг оёқда тепадилар. Бу ҳаракатлар шу даражада мураккабки, бунинг учун болалардан жисмоний қувват талаб қилади [Мардонова, 2022: 47].

Ўзбек тилидаги оғзаки сўзлашувда бу тушунча енгилтабиат аёлларга нисбатан метафорик тарзда қўлланади.

Хитойча ўзлашмалар орасида *лағмон* сўзи ҳам мавжуд:

*Лағмон* {хит. Чўзиқ хамир} хамирни чўзиб ёки узун ингичка кесиб тайёрладиган, юзига қайла солиб йейилладиган овқат [ЎТИЛ, 493]

Мазкур сўз иштирокида ҳозирги ўзбек оғзаки сўлашувда кўп қўлланадиган фразеологизм мавжуд: кулоққа лағмон илмоқ. Бу ибора *алдаш, ёлгон гапириш* маъноларини беради:

*Халқ сайлаган вакилларнинг қулогига лағмон илиб, шу орқали бутун туман аҳолисига қандай “ҳурмат” бажо келтирилганини тасаввур қиляпсизми?* (Интернетдан).

*Лағмон* ва *ёлгон*нинг маъно жиҳатдан бир-бирига алоқасини когнитив метафора доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Иборада *лағмон* дейилганда таом эмас, унинг ҳамирли қисми назарда тутилган. Шу ўринда *лағмон* ҳамирининг тайёрланиш жараёнини тасаввур қилиш лозим. Умуман олганда метафора ҳосил бўлиш жараёни инсоннинг турли бой тасаввурларига асосланади.

Манба майдон инсон онгида сезгилар ва тасаввурлар орқали ҳосил қилинади. Нейролингвистик жиҳатдан ҳам сўзлар аудиал, визуал ва кинестетик сезги аъзолари орқали ифодаланади ҳамда уларнинг фреймлари ёки предикатларини ташкил этади. Яна тушунтирилишича *бошловчи* сўзи суҳандон, сўзамол, сўз устаси нутқ аудиал реакциялари, тадбир, костюм визуал реакциялари, қизиқ, ёқимсиз каби кинестетик реакциялар вужудга келади [Ҳошимова, 2017: 90].

Лағмон ҳамирини ингичкалатиш учун ишлов берилади ва секинлик билан чўзиб борилади. Ёлгоннинг табиатига қарайдиган бўлсак, вазиятдан чиқиш учун, кўрқув ҳолатида юзага келади. Айрим ўринларда мазах қилиш мақсадида ҳам ёлгон гапирилади. *Кулоққа лағмон илиш* айна шу мазмунни касб этади. Бир инсон мазах қилиб бошқасини алдаётган бўлса ёлгонларини чўзиб, пишитиб суҳбатдошига “едиради”.

Аниқ илмий асосга эга бўлмаса-да, бу фразема таркибидаги *лағмон* сўзини арабча *лағв* (*лағван*) сўзига боғлашади. Унинг маъноси ҳам *ёлгон* англамида. Бизнингча, таркибдаги *илмоқ*, *осмоқ* феъллари бу фикр тўғри эмаслигига ишора қилади. Бундан ташқари айна фразема “не вешай лапшу” тарзида қўлланилади. Демак, бу маъно кўчиши метафорик унверсалия ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, метафоризация жараёни когнитив аспектда ўрганилиши муҳим бўлган йўналишлардан биридир. Чунки, метафоралар орқали фикрларни чексиз услуб ва мазмунда ифода қилиш мумкин. Метафоралар муайян халқнинг миллий ва маданий қарашлари маҳсули сифатида юзага чиқади. Хитойча ўзлашмалар орасида ўзбек тилида метафорик хусусият касб этганлари бир нечта. Хусусан, чой сўзи сермахсул метафорик ифодаларда мавжуд.

## АДАБИЁТЛАР

1. Lakoff George, Jhonson Mark. Metaphors we live by. Chicago: University of Chicago press, 1980.
2. Musolff A. Metaphor and Political Discourse. Analogical Reasoning in Debates about Europe. Basingstoke, 2004. - 224p.
3. Musolff A. Metaphor Scenarios in Public Discourse // Metaphor and Symbol. 2006. Vol. 21 (1). P. 23–38.
4. Grady J., Taub S., Morgan S. Primitive and Compound Metaphors // Conceptual Structure, Discourse and Language / ed. by A. Goldberg. Stanford, CA, 1996. P.177–187.
5. Quliyev H. Kognitiv dilçilikde konseptual metafora Nezariyyası December 2019 // Conference: MATERIALS OF INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE INTERDISCIPLINARY INTEGRATION: LINGUODIDACTIC, LINGUOCULTURAL AND PSYCHOLINGUISTIC ASPECTS. At: Azerbaijan, Baku
6. Будаев Э.В., Чудинов А.П. Метафора в политической коммуникации. – М., 2008. – 248 с.
7. Насруллаева Г. Антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти. Филол.ф... PhD...дисс. – Тошкент, 2019.
8. Назаров С. Й.В.Гёте “Фауст” асарига концептуал метафора таҳлили // Сўз санъати. № 5. – Тошкент, 2019. – Б. 58-65.
9. Мардонова Г. Ўзбек миллий ўйинлари. – Тошкент: Booknomu print, 2022. 157 б.
10. Хошимова Н. Ассоциацияларга репрезентатив тизим модалликлари орқали ёндашув // Илмий хабарнома. №4. – Андижон, 2017. – Б. 88-90.
11. Улуғова Ш. Феминистик бадиий матнда метафора фаоллашувининг когнитив-стилистик жиҳатлари (“Жейн Эйр” романи асосиди). Филол.ф... PhD...дисс. – Тошкент, 2022.